

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«БИТТА БЎЛСА ҲАМ ЖИНОЯТ БЎЛГАНИ ҲАММАМИЗНИ ТАШВИШГА СОЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига ба-

ғишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар ва мудофаа вазирликлари раҳбарлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этди.

Қонун устуворлигини таъминлашдан, жиноятчиликнинг олдини олмасдан халқ ишончини қозониш мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, барча даражадаги раҳбарлардан қатъий масъулият ва жавобгарлик талаб қилинмоқда.

Шу мақсадда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, энди 35 фоизи идораларда қолдирилиб, 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ишлай бошлади. Тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди.

Аммо бундай чора-тадбирларга қарамастан, жойларда ҳали жиноятчиликнинг туб илдизига тўлиқ етиб борилмапти. Жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмапти, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларидаги муҳокамалар номига ташкил қилиниб, расмийликдан нарига ўтмапти. Маълумотларга қараганда, 2017 йилда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, жорий йил 6 ойида эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоизга камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг сони ҳамон юқориликча қолмоқда.

Ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор

бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олган ва унинг туб моҳиятини тушунтиришга эди, бугунги ҳақиқати ва адолат" деб номланади. Масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг сабабларини ўрганади, муҳокама қилади, тақрирларининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради. Оммавий ахборот воситаларида "Жиноят ҳақиқати ва адолат" руни ташкил этилиб, барча ишлар батафсил ёритиб борилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида жорий этила бошланган "Хавфсиз пойтахт" концепциясини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида "Хавфсиз шаҳар" шаклида йўлга қўйиш, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Бош вазир, Бош прокурор, ички ишлар ва мудофаа вазирлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раисига бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш-да ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этишга мойил шахслар ҳисобини юритишнинг самарали механизми жорий этиш зарур. Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг ягона ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва ўзаро ахборот алмашушга масъул Ахборот маркази эса лоқайд масканга айланиб қолган. Бунга чек қўйиш учун Ахборот марказини Бош прокуратура таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олишнинг электрон тизимини жорий қилиш лозим. Бу ишларнинг ўзвий давомий сифатида ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти рейтингини жорий этиш керак.

Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди. Лекин жиноят содир бўлганда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмапти. Жойлардаги масъуллар жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириш ва сабабларини аниқлаш, оммавий ахборот воситаларида бевоқифа киёб маълумот бериши даркор. Шундагина ҳар бир жиноятнинг илдизига етиб бориш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолаверади.

Йиғилишда сўнгги пайтда ўз

жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техник базаси яхшиланиши, кадрлар маълумоти ошириш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида махсус марказлар ташкил этилаётгани, "хавф остидаги гуруҳ" да бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётганига қарамай, масъулларнинг бу масалани ендашув ва муносабатиде кескин ўзгариш кузатилмапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисага "фавқулодда ҳолат" сифатида қарайди, таълим муассасаларида ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилишга нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммага тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни асосан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолияти мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради. Масалан,

жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техник базаси яхшиланиши, кадрлар маълумоти ошириш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида махсус марказлар ташкил этилаётгани, "хавф остидаги гуруҳ" да бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётганига қарамай, масъулларнинг бу масалани ендашув ва муносабатиде кескин ўзгариш кузатилмапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисага "фавқулодда ҳолат" сифатида қарайди, таълим муассасаларида ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилишга нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммага тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни асосан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолияти мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради. Масалан,

жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техник базаси яхшиланиши, кадрлар маълумоти ошириш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида махсус марказлар ташкил этилаётгани, "хавф остидаги гуруҳ" да бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётганига қарамай, масъулларнинг бу масалани ендашув ва муносабатиде кескин ўзгариш кузатилмапти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисага "фавқулодда ҳолат" сифатида қарайди, таълим муассасаларида ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Дин ишлари бўйича кўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилишга нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммага тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни асосан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолияти мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради. Масалан,

Анжуман

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида "Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда ахборот технологияларини жорий этиш" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда комбинат томонидан ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва режалар тўғрисида маълумот берилди.

АВТОМАТЛАШТИРИШ:

ҚУЛАЙЛИК,
ЕНГИЛЛИК,
САМАРА

Мамлакатимизда рангли ва кимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинатини техник-технологик модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардорлигини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар юксак самара бераётгани, комбинатда ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш бўласида қатор лойиҳалар амалга татбиқ этилиши ишчилар қўл меҳнатини енгиллаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга замин яратяётгани қайд этилди.

– Айти пайтда комбинатда 35 мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, – дейди комбинатнинг ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи Р. Максумов. – Албатта, бундай катта жамоада аввало, меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этиш лозим. Бу борада соҳада илғор технологиялар қўлланилаётгани, хусусан, ишлаб чиқариш жараёни босқинча-босқинча автоматлаштирилаётгани яхши самара бермоқда. Маълумотларга кўра, 2015-2018 йиллар мобайнида комбинатда Мис ва 2-Мис бойитиш фабрикалари, Мис эритиш заводининг сульфат кислотаси цехи, Жиззах вилоятидаги портланд ва оқ цемент ишлаб чиқариш заводининг технологик жараёнларини автоматлаштириш, Мис эритиш заводининг янги эритиш печига автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш каби 12 лойиҳа амалга оширилган. Бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш юзасидан 2019-2022 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Хабарингиз борми?

Энди енгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини 30 кунга ижарага беришни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

Енгил автомобилларни 30 кунга ижарага бериш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади

Жорий йилнинг 26 июль куни Президент томонидан "Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди.

Мазкур ҳужжат билан бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Фуқаролик кодексига киритилган ўзгаришга мувофиқ эндиликда автомобилтранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномаларини нотариал тасдиқлаш шарт эмас.

Енгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан енгил автомобиллар ва мотортранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкин.

Мазкур ўзгаришнинг Адлия вазирлиги томонидан ижара бозорини ривожлантириш, жумладан, ички ва ташқи туристлар учун автомобиль туризмининг устувор ривожлантириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тақдиф этилган эди.

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Болажон
Биз – 2018

Нур сочиб турган қуёш. Мусаффо осмон. Беш хил рангдаги тоғ. Унинг қўққиси томон иддам қадам ташлаётган болакай...



Бекободлик 10 ёшли ҳаваскор чизган ушбу сурат оромгоҳда ўтказилган "Еш рассом" таловида биринчи ўринга лойиқ қўрилди. У суратни ўзича шундай номлаган: "Ҳаракатлар стратегиясида ҳаракатланаётган бола". Қўйилмасиз?

Рангли тоғни давлатимизни ривожлантириш учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига қиёслаган болакай ислохотларда ўзининг дахлдорлик ҳиссини шу оддийгина чизгилар орқали ифодалаб бермоқчи бўлган бўлса, не ажаб!

Бўстонлик туманидаги "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бундай танлов ва мусобақалар деярли ҳар кун ўтказилади. Қирққа яқин ходим ҳар бир боланинг иқтидор ва қобилиятини юзага чиқариб, уларни руҳлантириш, рағбат-

Давлат дастури – амалда

Нурафшонлик Азиз Абдухалилов бир неча йилдан бери паррандачилик билан шуғулланади. У кўпдан бери фаолиятини кенгайтиришни ният қилиб юрганди.

Шаҳардаги "Баркамол авлод" болалар марказида ўтказилган "Давр ва ёшлар" мавзусидаги учрашувда Азиз каби ишбилармонлар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга керакли тавсия ва амалий ёрдамлар берилди. Ёш тадбиркорлар томонидан билдирилган тақдифлар қўллаб-қувватланиб, уларга имтиёзли кредит ажратилган бўлди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди. Унда шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа бир қатор ташкилот мутасаддилари ҳамда

ушбомаган ёшлар иштирок этди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ишга жойлашиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, фермер хўжаликларини туғуллиниш истагида бўлган ёшларга керакли тавсия ва амалий ёрдамлар берилди. Ёш тадбиркорлар томонидан билдирилган тақдифлар қўллаб-қувватланиб, уларга имтиёзли кредит ажратилган бўлди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди. Унда шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа бир қатор ташкилот мутасаддилари ҳамда

ЁШЛАРНИНГ ДАВРИ КЕЛДИ

дик. Ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар белгилан олди. Учрашувлар давомида, кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар аниқланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, "Қумарик" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи, оилавий шароити оғир икки нафар вояга етмаган фарзандни тарбиялаётган Нилуфар Исаева хонадонини ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди. Уй бекасига рўзгор учун зарур бўладиган жиҳозлар совға қилинди.

– Мухтарам Президентимиз то-



монидан биз каби эҳтиёжмандларга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилапти, – дейди Нилуфар Исаева. – Бундан қувонмай бўладими?! Мана, бугун ишчи гуруҳ аъзолари хонадонимизга келиб, ижтимоий-иқтисодий аҳволимизни ўрганди ва бизнинг оилага замонавий микропеч ҳадя этишди. Ан-



чадан бери ана шундай майишй техникага эҳтиёжimiz бор эди. Дастур доирасида шаҳарда "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази, "Ёшлар меҳнат гузарлари" барпо этиш режалаштирилган. Зухриддин ҚАМБАРОВ
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Йигилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масала муҳокама қилиниб, бу борада энг асосий муаммо ҳайдовчи ва пивдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ўзаро ҳурмат маданиятининг ўта пастлигида экани таъкидланди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо қўлланилган, лекин на-

механизмини жорий этиш, ҳудудларда магистраль йўлларни хусусийлаштириш, пуллик хизматни йўлга қўйиш, йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўриш керак.

Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам "Халқчил ички ишлар органлари"га айланмаётган. Ҳанузгача

Республика комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш учун 5 та минтақавий ишчи гуруҳнинг ҳар бирига тегишли ҳудуд ва масъул раҳбарлар бириктирилиб, аниқ вазифалар юклатилган. Сони ошган жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароит ўрганилиб, ҳар бир турдаги жиноятнинг барвақт олдини олишга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

ли вазифадир. Лекин айрим судлар раислари нафақат бу ишни, балки ўзига юклатилган профессионал вазифаларни ҳам лозим даражада бажармаётган. Шу нукта назардан, Судьялар олий кенгаши, Олий суд судларда ишни тўғри ва самарали ташкил этиш, суд раислари фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш, жиноятчиликнинг олдини олишда судларнинг иштироки ва масъулиятини ошириш бўйича аниқ тадбирлар кўриши даркор.

Муҳокама қилинган барча масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг таҳлилий-хуқуқий ва прогнозлаш фаолияти бўғини кун талабларига жавоб берадими. Таҳлил қилиш қобилиятга эга кадрларни тарбиялаш борасида Ички ишлар вазирлиги академиясининг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Чунки, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда унинг динамикасини прогноз қилиш муҳим шартлардан ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, тегишли мутасаддиларга ички ишлар органларининг бошқарув, тизимли таҳлил, прогноз ва назорат йўналишларидаги фаолиятини тубдан тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йигилишда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

У.А

«БИТТА БЎЛСА ҲАМ ЖИНОЯТ БЎЛГАНИ ҲАММАМИЗНИ ТАШВИШГА СОЛИШИ КЕРАК»

тижа қўтилганидек эмас. Йўлларнинг аҳоли, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни босқичма-босқич замонавий қопламали йўл белгилари билан алмаштириш борасидаги ишлар талабга жавоб берадими. Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси 2018-2022 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида кўрсатилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш даркор. Шу билан бирга, соҳага давлат-хусусий шериклик

Бошлангич 1-бетда

Фамхўрлик

Халққа хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимизнинг тегишли фармонида асосан туманлар марказларидан узоқда жойлашган қишлоқларда оилавий поликлиникалар ташкил этилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бундай оилавий поликлиникалар билан бир қаторда қишлоқ врачлик пунктлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

СОҒЛОМ БЎЛСИН ЁШУ ҚАРИ



Бўка туманидаги Й. Ҳожиметов номи қишлоқ врачлик пункти биноси эскириб қолганлиги боис, янги бино қурилиши бошланган эди. Қисқа муддатларда мазкур муассаса қурилиши аяқланиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ врачлик пунктимида 4 та амалиёт шифокори меҳнат қилиб, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишмоқда, – дейди врачлик пункти мудир Азиз Меҳмонқулов. – Жамоамиз "Жағалбайли" маҳалласидаги 10 минг 881 нафар фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатади. Маҳалладаги оилалар сони 2 минг 468 тани,

хонадонлар сони эса 1 минг 892 тани ташкил этади. Ҳамқишлоқларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш бизнинг шарафли бурчимиздир. Ана шу бурчни адо этиш учун бизга ҳар томонлама қулай бўлган шароитлар яратиб берилганидан жуда мамнунмиз.

Қишлоқ врачлик пункти биносининг очилиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Тадбирда туман ҳокими Н. Избосаров, Халқ қабулхонаси мудир Х. Пўлатов, қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, нурунийлар иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари янги қурилиб, фойдаланишга топширилган бинодаги рўйхатхона, доялар хонаси, ижтимоий дорихона, лаборатория, муолажа хоналари ҳамда оналар ва болалар учун ажратилган бўлинмалар билан яқиндан танишишди.

Туман ҳокими қишлоқ врачлик пунктнинг 17 нафар патронаж ҳамширасига 9 хил тиббий анжомлари солинган махсус сумкаларни тақдим этди.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА

ЭЪТИБОРНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Бўстонлиқ туманида яшовчи Хусниддин Шитоев икки йилдан бери касаллик сабаб, юролмай қолган. Бормаган шифохонаси, учрамаган шифо-

– Бугунги совгадан жуда хурсандмиз, – дейди Зиеда Эштова. – Чунки, ушбу аравачага эҳтиёжимиз бор эди. Кўнгли ярим инсонларга меҳр кўрсатаётган Президентимиздан миннатдоримиз. Турмуш ўртоғим ҳар кун уйда зерикиб ўтирадими. Энди бемалол кўчаларда айланиб юриши мумкин.

Бўстонлиқ тумани кўп тармоқли поликлиникасида ўтказилган тадбирда Хусниддин каби яна 21 нафар ногиронлиги бор шахсга аравачалар топширилди. Мазкур тадбирда туман фаоллари, марказий шифохона шифокор ва ҳамширалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Шу ўринда кўп тармоқли поликлиника ҳақида бир оз тўхталиб

қори қолмади, лекин ижобий натижа бўлмади. Унга бир оз бўлсада, қувонч улашиш мақсадида ҳокимлик томонидан ногиронлик аравачаси берилди.

тиш мақсадида зарур жиҳозларга эга сумкалар ҳам тарқатилди. – Тўрт йилдан бери ҳамшира бўлиб ишлайман, – дейди биз билан суҳбатда Дилором Муталипова. – Бизга берилаётган рағбат ва эътибордан мамнунмиз. Бу ишимизга бўлган иштиёқ ва масъулиятни янада оширади.

Ўз муҳбиримиз Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат



ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ

жойларда номига, қуруқ расмийчилик учун ўтказилаётган муҳокамаларда муаммонинг тўб илдишларига етиб борилаётгани

ларда белгиланган вазифа ва топшириқлар мавжуд, ким томонидан бажарилиши эса кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорлар ижросига оид бирорта расмий илова йўқ.

Масалан, 2018 йилнинг 8 апрель кунги маҳаллада ўтказилган йиғилиш баённомаси бир қоғоздан иборат бўлиб, унда 2018 йилнинг 5 апрель кунги шахси номаълум жасадни аниқлаш мақсадида чора-тадбирлар белгиланган. Лекин, шу кунги мажлисларда қабул қилинган қарор ижросига оид бирорта ҳужжат йўқ.

Иккинчи мажлис эса 2018 йилнинг 8 апрель санасида соат 15:00 да бўлганлиги қайд қилиб қўйилган. Йиғилиш қотиллик жинояти содир этилганлиги сабаблари муҳокамасига бағишланган бўлсада, негадир



давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларида бирортаси қақиртирилмаган. Фақат "туман ИИБ ХООб инспекторлари қатнашди", деб ёзиб қўйилди. Қоғога жиноят тафсилотини шунчаки, номига қайд этиб қўйиш билан чекланган. Бу жиноят нима учун содир бўлди, сабаблари нимада эди,

каби зарур муҳокамалар ҳақида лом-мим дейилмаган. Баённоманинг якуний қисмида эса "Кун тартибидеги масала атрофли-ка муҳокама этилиб, йиғилиш қарор қабул қилади", дейилган. Қизиқ, қани ўша муҳокама?

Айни шу кунги йиғилиш ҳақида бир дунё савол чиқади. Ҳужжатнинг қарор қисми жуда ажабланишли бўлиб, унда 3 та банддан иборат вазифа ҳамда топшириқ белгиланган. Биринчисида, "Жиноят содир этган ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган шахслар билан суҳбатлар ўтказилсин", дейилган. Иккинчисида эса "Янги ҳаёт" МФЙ кўча бошларига бир ой муддатда маҳалла назорати учун кўчалар бўйлаб кузат-ва камералари ўрнатиш вазифаси юкланган. Учинчисида ушбу баённома ижросини назорат қилиш "Янги ҳаёт" МФЙ раиси (аввалги раис) Р. Қурбоновага юклатилиши маълум қилинган. Ҳозирги раис эса ҳеч бўлмаганда мана шу вазифа ва топшириқлар ижроси билан бирор марта қизиқиб ҳам кўрмаган. Қотиллик жинояти тафсилотида шу маҳалла ҳудудида жойлашган "Иззатилла агро" фермер хўжалиги бўғдой даласига оқиб келадиган ички ариқдан 50-60 ёшлардаги аёл кишининг жасади топишганлиги қайд қилинган. Лекин, йиғилишга ҳатто фермер хўжалиги раҳбари қақиртирилмаган...

Эътибор беринг, маҳаллада қотиллик содир этилиб, бир инсон ҳаётдан кўз юмган. Жами уч қоғоздан иборат баённома тузиб қўйилапти, холос. Гап аслида қоғозда эмас-ку, дерсиз? Балки шундай-дир, бироқ нима бўлганда ҳам бу қоғозлар маҳаллада муҳокамалар номига, юза-

ки ўтказилаётганини шундоқ билдириб турибди.

Азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи, маънавият бешиги бўлиб келган. Шу боис, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ билан давлат ўртасида фидойи бўлиб, халқ дардини билиб, одамларни ташвишлантираётган муаммоларга ечим излаш шарт. Чунки, айнан ушбу тузилма аҳоли ҳаёти, турмуш даражасини, қўйингки, ҳудуддаги вазиятни, ҳар бир инсонни ўйлантираётган муаммоларни беш қўлдек билиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Айрим сабабларга кўра, маҳалла вакил-



лари ўз ишлари рисоладагидек олиб борилаётгандир, бироқ 6 ой ичида 21 та жиноят содир этилиши нега мутасаддиларни ташвишлантирмаган? Афсуски, биз бу саволга асосли жавоб ололмадик.

Содир этилган жиноятлар муҳокамасига бағишланган 9 та йиғилиш баённомасига қайтишдан бошқа илоҳимиз йўқ. Қолган баённомалар қаердадир бўлиши мумкин, лекин ҳар ҳолда бизга уларни топиб бера олишмади. Маҳаллада содир бўлган 9 та ўғрилик жинояти муҳокамасига бағишланган баённоманинг фақат 6 та нусхасини кўрдик, холос.

